

O'ZBEKISTON




OVOZI

IJTIMOYIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2003 YIL ■ 4 YANVAR ■ SHANBA ■ 2 (27.022) ■ UZB OVOZI@SARKOR.UZ. ■ 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

Малакали кадрлар — армиямиз таянчи



Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида мамлакат Куролли Кучларини ислоҳ қилиш жараёнида армиямиз учун малакали кадрлар етиштириш муҳим масала экани таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида ҳарбий дипломатия, юриспруденция ва жанговар санъат махсус синфлари ташкил этилгани ана шу масалани ижобий ҳал этишга қаратилган муҳим қадамлардан биридир.

— Мамлакатимизда келажак авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб voyга етказиш давлат сийосати даражасига кўтарилган, — дейди «Жар» мажмуи бошлиғи Абдусалом Исоҳўжаев. — Бу бо-

рада Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби муҳим ҳужжатларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани фикримизга яққол далил бўла олади.

«Жар»да ҳарбий дипломатия, юриспруденция ва жанговар санъат махсус синфларини очиб таклифи Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланган, пойтахтимиздаги 38-мактаб биносининг бир қисмини замон талаблари даражасида таъмирлади. Очилган янги синфларда лингафон, компьютер хоналарини янги техника билан жиҳозлади.

Дастлабки йили махсус син-

фларга Тошкент шаҳри ва вилоятдан 347 бола ҳужжат топширди. Бирок болаларнинг жисмоний имкониятлари, соғлигини текшириш учун «Жар»даги замонавий технологиялар билан жиҳозланган тиббий-диагностика соғломлаштириш марказида 41 ўқувчи тиббий кўриқдан ўтотилди. Сараланганлари она тили ва адабиёт, математика ҳамда психологиядан тест, жисмоний тарбиядан нормативлар топширди. Натижада 50 ўқувчи 5-синфга, яна шунчаси 6-синфга қабул қилинди.

Курсантларга ёзги, қишки мавсумда ва байрамларда кийиладиган махсус кийимлар — униформалар берилган. Улар ётоқхона ва беш маҳал иссиқ овқат билан таъминланади.

Укув жараёнига келсак, болаларнинг кун тартиби эрта-

лабки бадантарбия билан бошланади. Кейин тушликкача ўқиш. Бунда улар умумий ўрта таълим дастурига киритилган фанлардан ташқари, юриспруденция, ҳарбий дипломатия, бошлангич жанговар ҳарбий тайёргарлик, фалсафа, чет тилларини ҳам ўзлаштиришлари лозим. Дарслар якунланган, курсантларимиз қўл жанги, дзюдо, кураш ва сузш машғулотларида қатнашиш учун «Жар»даги спорт заллари, сув ҳавзаси, тренажёр хоналарига келади. Албатта, буларнинг барчаси ҳам маънан, ҳам жисмонан ривожланиш бўсағисидан турган фарзандларимизнинг ҳар томонлама камол топишида муҳим омилдир.

Бу ерда умумий ўрта таълим ва махсус дастурлар бўйича етти йил ўқиган бо-


лалар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий ҳавфсизлик хизмати тасарруфидига ҳарбий таълим муассасаларига ҳамда ҳуқуқшунослик, ҳарбий кафедраси бўлган бошқа олий ўқув юртыга кириши мумкин.

Битирувчиларимиз ўз тенгдошлари қатори умумий ўрта таълим дастуридаги фанларни ўзлаштириш билан бирга ҳарбий дипломатия, юриспруденция, психология, фалсафани мукамал биладиган тайёр кадр бўлиб етишади.

ЎЗА МУХБИРИ Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ ёзиб олди.

◆◆◆
Суратларда: дарс жараёнидан лавҳалар.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Қишлоқда янги шифо маскани

Тошкент туманидаги «Тошкент» ширкат ҳужалигининг «Рамадон» маҳалласи ҳудудида 60 беморни қабул қилишга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Бу ерда истикомат қилувчи 5 мингдан зиёд аҳоли ўз саломатлигини тиклаши, биринчи тиббий ёрдам олиши учун барча қулайликлар яратилган. Хусусан, унда эмлаш, таҳлил, аёллар маслаҳатхонаси, физиотерапия, кичик жарроҳлик муолажаларини ўтказиш имкониятлари мавжуд.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу мажмуада 20 дан зиёд олий тоифали шифокор ва ҳамширалар янги иш ўринларига эга бўдилар.

Инсон саломатлиги, унинг ижтимоий ҳимояси йўлида яна бир қадам қўйилди.

Соҳибжон САЛИМОВ

Миллий мафкура ва миллий ғоянинг шаклланишида мусиқа санъатининг алоҳида ўрни бор. Мусиқа санъати, аниқроғи, миллий қўшиқчилик санъати миллатнинг қиёфаси, руҳияти ва шаклу шайиини белгилайди. Мустақиллик йилларида бу айниқса, яққол сезилди. Шу боис соҳага эътибор кучайди, давлат даражасида аҳамият берилса бошланди. Ватан, миллат, озоодлик ҳақида қўлаб-қўлаб қўшиқлар яратилди. Лекин, афсуски қаторда энгил-елпи «қўшиқ»лар ҳам кўпайиб кетяпти, бунга бефарқлик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Қўшиқ — маънавиятнинг бир бўлағи

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА УНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС, ШУ БОИС УНГА БЕФАРҚ ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

ЕНГИЛ-ЕЛПИ ҚЎШИҚЛАР МАНБАИ НИМАДА?

Масалага чуқурроқ ёндашиш керакка ўхшайди. Жумладан, аввало, хонанданинг ижтимоий келиб чиқиши бунда муҳим аҳамият касб этади. Чунки қўшиқчининг саводи, бадий савияси муто-

лаа билан боғлиқ. Эҳтимол, янгилаётгандирман. Лекин, матбуот нашрларидан бехабар, (умрида тузукроқ адабиёт мутолаа қилмаган) кишидан қандай қилиб дурустроқ қўшиқчи чиқсини, қандай қилиб у яхши қўшиқ ижро этсин? Навоийни тушунмаймиз, деймиз — сир эмас, бу

ҳақиқатга яқинроқ гап. Аммо қўшиқчи ёшлар орасида замонавий ўзбек шеърини намуналарини ҳам изоҳли луғат ёрдамида ўқийдиганлар топилиб қолади. Гапим қуруқ бўлмасин. Сал илгарироқ, оммабоп радио студияларидан бирида ишлайдиган танишим ёшлар орасида анча та-

Археологик кўргазма якунланди

Мамлакатимиз археолог олимлари хорижий ҳамкасблари билан ҳамкорликда кўна маданиятимизнинг янги қирраларини кашф этиб, катта ютуқларга эришмоқда.

Хусусан, ўтган ўн йилдан зиёд давр мобайнида Япониянинг Сока университети профессори таникли археолог олим Кюзо Като ўзбекистонлик олимлар билан биргаликда мамлакатимиз жанубидаги турли экспедицияларда бўлди. 1998 йилдан буюн у Сурхондарё вилоятидаги Қоратепа халқаро археологик экспедициясида фаол иштирок этиб келмоқда. Олимнинг меҳнатлари муносиб тақдирланди — профессор К.Като Ўзбекистон Президенти Фармониға мувофиқ «Дўстлик» ордениға сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Муштақиллигининг 11 йиллиги арафасида айнан шу изланишлар давомида қўлга киритилган 100 дан зиёд бебаҳо топилмалар намойиш этилган археологик кўргазма Японияда ўз ишини бошлаган эди.

«Ўзбекистондаги янги археологик топилмалар» номи мазкур кўргазма Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси, ЎзФА Археология институти, «Asahi Shimbun Publishing Co.» компанияси, Фу-

куока шаҳар музейи, Якушижи ибодатхонаси томонидан ташкил этилди.

Қарийб уч ой давомида Кунчиқар мамлакатининг қатор шаҳарларида ўтказилган ушбу тадбирда минглаб томошабин, шу жумладан, мамлакатнинг расмий, илмий, ишбилармон доиралари вакиллари ҳамда журналистлар ва ўқувчи талабалар қатнашди.

Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, айнан Ўзбекистон тупроғида эрамининг II асрида буддизм дини давлат дини сифатида шакллана бошлаганиги тўғрисида бугунги кунда аниқ далиллар мавжуд. Манбаларға қараганда, ўша даврда бу дин маънавий ва фалсафий қарашларнинг мукамал тизими қўринишиға ўта бошлаган.

Бу ҳақда республикамиз ҳудудида олиб борилаётган археологик қазилмалар натижалари ҳикоя қилади.

Токиодаги Юракучо Асахи галереясида бошланган мазкур кўргазма, Нара шаҳридаги Якушижи номи кўна ибодатхона биносидан ва Фукуокадаги шаҳар музейида давом этади.

— Кўргазма давомида мамлакатдаги буддизм маданияти тарихини ўрганаётган му- тахассислар ўзлари учун янги

мактаб кашф этишди. Зеро, у содда бир кўринишға эга бўлса-да, лекин мураккаб фалсафий қарашлар оқимини намоеён этади.

— Бизнинг кўргазмада бўлган ҳар бир киши Ўзбекистоннинг нафақат тарихи ва бебаҳо ёдгорликлари, балки унинг бугунги кунига ҳам қатна қизиқиш билдирди. Шу боис бўлса керак, кўргазма давомида бизға берилган саволлар турли мавзуларға оид бўлди. Баъзи ташриф буюрганлар эса бундай кўргазма яна қачон Японияда уюштирилади, яна қачон биз ўтмиш сирлари билан ошно бўламиз, деб сўрашди, — деди профессор К.Като.

Кунчиқар мамлакатининг ахборот «Asahi», «Nihon Keizai», «Yomiuri» каби оммавий ахборот воситалари мазкур кўргазма ҳақида қатор мақола ва хабарлар чоп этди.

Шак-шубҳасиз ушбу тадбир кенг япон жамоатчилигини юртимизнинг бой тарихи билан яқиндан таништириш орқали икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни янада муустаҳкамлашға катта ҳисса қўшади.

Б.АЛИМОВ, «Жаҳон» АА, Япония



Муддат 27 январь

БМТ Бош қотиби Кофи Аннаниннинг яқинда берган баёнотиға кўра, АҚШ Ироқда ҳарбий операцияни бошлаши учун ҳозирча сабаб йўқ. БМТ инспекторлари Ироқдаги оммавий қирғин қуроллари ҳақидаги ҳисоботни 27 январь кун БМТнинг Ҳавфсизлик Кенгашига тақдим этади. Демак, шу кунгача ҳарбий операция бошланмаслиги лозим.

Бу ҳақда Reuters агентлиги хабар тарқатди.

Танкер ёриқларидан бири беркитилди

Франциянинг «Наутилус» батискафи (сувоти чуқурликларидан юрадиган аппарат) экипажи Испания қирғоқларида чўкиб ётган «Престиж» танкери ёриқларидан бирини беркитишнинг урдасидан чиқди, дейилади Reuters ахборотида.

Испания Бош вазирининг Мариано Рахонинг айтишича, экологик ҳавф туғдираётган сув остидаги танкер тирқишларини беркитиш бўйича олиб борилаётган тажрибалар ниҳоят муваффақият бера бошлади.

Маълумки, «Престиж» танкери ўтган йили 19 ноябрда ўртасидан иккига бўлиниб, Испания қирғоқлари яқинида чўкиб кетган эди. Экспертларнинг ҳисоб-китоб қилишларича, мазкур танкердан кунгига 120-125 тонна нефть махсулотлари отилиб чиқиб, сув юзини кенг микёсда қамраб бормоқда.

Хитой иккинчи ўринда

2002 йилнинг охириги кунларига келиб Хитойда интернетдан фойдаланувчилар сони 58 миллион кишиға етди. Шундай қилиб, Хитой бу борада АҚШдан сўнг иккинчи ўринға чўкиб олди. Бу ҳақда «Новости» агентлиги Хитой интернет-ахборот маркази манбаларига таяниб хабар берди.

Ҳисоб-китобларға қараганда, фақат охириги йилнинг ўзида интернетдан фойдаланувчилар мамлакатда 28,7 миллион кишиға кўпайган.

Яна шу нарсани айтиш керакки, БМТ маълумотномасида қайд этилишича, бугунги кунда интернетдан фойдаланувчилар сони дунё бўйича 655 миллионгани ташкил этар экан.

Бу ҳам етмагандек шеърнинг биринчи сатри — 5 бўғин, иккинчи сатри — 5 бўғин, учинчи сатри — 11 бўғин, тўртинчиси — 7 бўғин ва ҳоказо... бўлиши керак эмиш. Албатта, нақоратда «фалон», «писмадон» сўзларға урғу берилиши шарт экан. Тўғриси, малол келди, таклифи ёқмади.

Дуч келганға ўзини шоир, деб таништираётган, овоз ёзиш студияларига «ётиб олиб» «шеърлари»ни студия раҳбари ё бирор бастакорға маъқулламагунча кетмайдиган «шоир»лар ҳам оз эмас.

(Давоми 3-бетда.)

ШАХМАТ

Рустамнинг янги йил туҳфаси



2002 йилда мамлакатимиз шахматчилари кўлаб нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллади. Эришилган бу галабаларға ёш гроссмейстер Рустам Қосимжонов ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Яқинда ҳамюртимиз яна бир турнирда муваффақият қозонди.

Рустамнинг акаси Хуршид Қосимжоновнинг ЎЗА муҳбирига маълум қилишича, охириги олти ой давомида мусобақаларда муваффақиятли қатнашган тўрт нафар шахмат устаси Испаниянинг Памплона шаҳриға таклиф этилган. «Памплона-2002» турнирида ҳамюртимиз Р.Қосимжоновдан ташқари, Молдовадан Игор Бологан, Македониядан Иван Соколов ҳамда мезбонлардан Поно Валехо донна сурган.

Узаро беллашувларда рақибларини ортда қолдирган Р.Қосимжонов ва И.Бологан голиблик учун икки учрашув ўтказди. Хар икки баҳсда ўзбек шахматчисининг қўли устун келди ва турнир голиби бўлди.

Умуман олганда, якунланган йил иқтидорли шахматчимиз учун муваффақиятли келди. Айниқса, Рустамнинг октябрь ойида Хиндистоннинг Хайдаробод шаҳрида бўлган жаҳон кубоги мусобақасида иккинчи ўринни эгаллаши ёш шахматчимизнинг келажаги порлоқ эканлигини далиллади.

ЎЗА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бир вақтлар бадиий хаваскорлик жамоаси ёки хаваскор кўшиқчи, деган иборалар бўларди. Ҳозир эса бундай сифатларга ҳоҳат йўқ. Чунки ҳамма «юлдуз». Кўпгина ёшлар санъатнинг бемашакқат, енгил-елли йўлларидан бораётгани ҳам сир эмас. Битта кўшиқ айтадимми, йўқми, гўё осмонни забт этгандек, юлдузга айланади. Кейин, уларга «ёпиштириладиган ёрликлар» ҳам осмоний: «Таниқли эстрада хонандаси» ёки «Эстрадамиз ёруғ юлдузларидан бири...» ва ҳоказо.

Билим ҳаминқадар, дунёқараши ночор бундай «кўшиқчи»лар радиода чиқиш, телевидениеда кўриниш учун бутун чора-тадбирни қўллайдди. Телевизорда бир-икки кўриндики, тамом, ўзини осмону фалакда ҳис этади.

Телеканалларда намойиш этилаётган «Муслиқий лаҳзалар»да баъзан кўшиқ матни муаллифлари нотўғри эълон қилиб юборилапти. Жумладан, ёш хонанда Дилноза Исмиёминова ижро этган «Элим» кўшигининг матн муаллифи Бобур Бобомурод бўлса-да, сал илгарироқ телевидениенинг биринчи каналдан кадр остида бошқа шoir

номи ёзилди. Дарвоқе, яқинда Бобур Бобомурод тахририятимизга келди. Унинг 300 га яқин шеъри санъаткорлар томонидан кўйлаб келинмоқда. Инсоф билан айтилик, унинг шеърлари билан айтилаётган яхши кўшиқлар ҳам анчагина.

— Менинг ёзганларим бировнинг номи билан кетгани майли-я, — дейди у қуюниб, — бироқ, гоҳида мен ёзмаган кўшиқ матни ҳам менинг муаллифлигимда кетяпти-да...

— Мисоллар келтира оласизми?

— Бўлмасам-чи. Мисол учун, Азиз Ражабий ижро этган «Шириним», Ҳосила Раҳимова-нинг «Улмагайдирман» ёки Музаффар Абдуазимов айтган «Сенсиз» кўшиғи муаллифлари ҳам мен эмишман. Ахир, бу нотўғри! Уялишмайди, улар «фалончи» ёзган нарсани «писмадончи»га тўнкашган.

«Мен сени ўйлайман, мен сени кўйлайман» дегани билан кўшиқ бўлавермайди... «Шириним» деган ашуланинг матн муаллифлиги бир каналда «Бону шеъри» деб берилса, бошқасида «Бобур Бобомурод шеъри», дея эълон қилинади. Мени кеңиришину бир-икки масъулиятсиз одам касрига бутун телевидение ҳақида но-

тўғри фикр туғилиши мумкин. Яна бир мулоҳаза: бадиий кенгашлар таркибида ўзбек адабиётини чуқур биладиган билимдонлар бўлса, яхши бўларди. Сабаби, Абдулазиз Карим деган ёш истеъдодли кўшиқчи бор. Шунга «Ёнарим» деган шеър ёзиб бергандим, яхшигина кўшиқ килди. Аммо телевидение бадиий кенгашидаги мутасаддилар ўзбек тилида «Ёнарим» деган сўз йўқ, шунинг учун кўшигингиз бўлмайди, дейишбди. Ахир мумтоз адабиётда кўп учрайди-ку, бу сўз... Ёки яна улар эътироз билдирган: «Чой» сўзини олайлик. Кимнингдир фикрича, «чой» поэтик сўз эмас эмиш...

Менимча, айнан радио ва телевидениеда талаб жиддий бўлиши керак.

КЛИП ҲАМ САНЪАТ

Кейинги йилларда кўшиқларни клиплар билан тақдим этиш оммалашиб кетди. Бу яхши. Ишланган клип муваффақиятли чикса — кўшиқ мазмунни томошабинларга тез етиб боради. Аксинча бўлса одамларнинг гашига тегади. Жуда чиройли, гўзал клиплар бор, кўриб маза қиласан. Лекин, афсуски, баъкана, бади-

ий жиҳатдан бўш, номукамал, саёзлари ҳам оз эмас. Аниқроғи, мавзу тор, сюжетлар бир-бирига ўхшаш: чунончи, камбағал йигит бир қизни севади. Қизнинг ота-онаси бойвачча. Улар қизларини ўзлари сингари бадавлат одамга узатгиси келади... Бир-бирига етолмаган йигит билан қиз армон билан ҳажр ўтида қолишади... Ё бўлмаса, клип қаҳрамони (йигит ё қиз) гоҳ униси билан, гоҳ буниси билан муносабатда бўлади. Яна... қизниқига совчи боради, ноумид қайтади. Машина, кўп телефони, йигит ва қиз... клип тайёр. Аммо унда бирор-бир воқеликни англайдиган аниқ-тиниқ, маънили сюжет йўқ.

Хорижда клипларни санъат асари сифатида қадрлашади. Унга бериладиган эътибор ҳам жиддий. Тўғри, қайси бир маънода бизда ҳам бу жанр тўлиқ оммалашиб улгурмаган. Лекин клип — аслида нима эканлигини тушуниб етадиган вақт келди. Ижод давомида фақат сийқаси чиққан романтикага эмас, ҳаёт ва ҳақиқатга яқинроқ асарлар ишланса, унда умумийлиги-маънавий дахлдорлик ва одамларни туб ахлоқий покликка қорловчи ҳаяжонли лавҳалар акс эттирилса, деймиз.



Мамлакатдан чиқариб юборилди

Шимолий Кореяда иш олиб бораётган МАГАТЭ (Халқаро атом энергетикаси агентлиги) инспекторлари Пекингга келдилар. Сабаб: расмий Пхеньян томонидан МАГАТЭнинг барча инспекторлари мамлакатни тарқ этишлари талаб қилинган эди. Ажабланарлиси шуки, қутилганидек инспекторлар МАГАТЭнинг штаб-квартираси жойлашган Венага эмас, балки Пекингга келдилар. Улар ўзларининг бу ташифи сабаблари ҳақида ҳеч нарса дейишмапти. Ҳатто Шимолий Кореянинг ядровий дастури ҳақида ҳам журналистларга бирор нарса айтмаган. «Биз бу борада гапирмаслик ҳақида кўрсатма олганмиз», дейишди Пекин аэропортида икки инспектор Reuters журналистларига. Бу икки инспекторнинг бири Ливан, иккинчиси эса Хитой Халқ Республикаси фуқаросидир.

Дивизия Форс кўрфазига жўнатилмоқда

АҚШ армиясининг 15 минг аскарлик Учинчи пйёдалар дивизияси Форс кўрфазига жўнатилиши ҳақида буйруқ олдилар, дейлади BBC News ахборотида. Уларга саҳроларда ҳарбий операциялар олиб бориш мақсус ўргатилган. Бу АҚШ армиясининг бутун таркиби бўйича Форс кўрфазига жўнатилган биринчи қуруқликдаги қўшинидир. Бундан ташқари АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг бир неча бўлинмалари ҳам Форсга жўнатилиши ҳақида буйруқ олган. Булар «В-1» бомбардимончилари ва «F-15» кирувчи самолётларидир. Яқин кунларда яна АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг сузувчи госпитали, шунингдек, бир неча авианосецлар ҳам жўнатилади. АҚШ Президенти маъмурияти вакилининг айтишича, Ироққа қарши ҳарбий операция бошлаш ё бошламаслик ҳақида ҳозирча аниқ қарорга келинган йўқ.

Бишкек бозорида портлаш

Бишкек шаҳридаги йирик буюмлар бозорида содир этилган портлаш оқибатида 7 киши оламдан кўз юмди. Қирғизистон Ички ишлар вазирлиги ходимлари бунини террорчилик акти, дея баҳоламоқдалар. Республика ички ишлар вазирининг ўринбосари Кенешбек Дуйшебаевнинг айтишича, фожиа юз берган жойни ўрганган эксперт-криминалистлар қуйидагича хулосага келганлар: «Бозорнинг буюмлар сақланадиган ойлорхонасида портловчи ускуна ишлаши оқибатида катта портлаш содир этилган». Портлаш 6400 квадрат метр майдонга шикаст етказган. «Новости» ахборот агентлигининг хабарига кўра, ҳозир фожиа сабаблари ўрганилмоқда.

Ишда чекиб кўринг-чи?!

Нью-Йорк муниципал кенгаши чекишни тақиқлаш ҳақидаги қонун лойиҳасини бир овоздан маъқуладди. Бу ҳужжат Американинг антигамаки кампанияси тарихида қабул қилинаётган энг кескин ҳужжатдир. Унга кўра, эндиликда барча иш жойларида, шунингдек, барларда, тунги клубларда ва ресторнларда чекиш тақиқланади. «Бу барча ишчи ва хизматчиларнинг, умуман нью-йоркликларнинг ҳаётини яхшилаш, соғлиғини тиклаш йўлида ташланган муҳим қадамдир», деди Нью-Йорк муниципал кенгаши матбуот котиби Гиффорд Миллер.

Кўнун лойиҳаси яна 76 кундан сўнг, яъни шаҳар мэри Майкл Блумберг томонидан имзо чекилгач, кучга кирмоқда. Аслида Нью-Йорк ресторнларида чекиш 1995 йилдан эътиборан тақиқланган. Фақат бу тақиқлов 35 тандан ортик одам кириши мўлжалланган ресторнларга тааллуқли эди. Шунинг учун бўлса керак, бу қонуннинг таъсири кўпма сезилмади. Шунини айтиш лозимки, дея хабарини давом эттиради Reuters агентлиги, мазкур янги қонун лойиҳаси кўпгина ресторн ва барларнинг соҳибларини ташвишга солиб қўйди. Негаки, бу қонун миқозларни ресторн, бар ва клублардан чўчишиб юбориши мумкин. Ахир бундай жойларда чекмай ўтиришнинг ўзи бўлади.

Муддат узайтирилиши тарафдори

2004 йилда бўладиган президентлик сайловларидан сўнг президентлик муддатини 4 йилдан 7 йилга узайтириш гоёси бўйича Россияда ўтказилган сўровномада катнашганларнинг 48 фоизи бу гоёни қўллаб-қувватлади. 41 фоизи эса бунга қарши. 11 фоиз иштирокчи аниқ жавоб беришолмади. Ушбу сўровнома Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг социологлари 1600 нафар россиялик орасида ўтказди. Сўровнома натижаларига кўра, яна шу нарса аниқландики, сўралганларнинг 46 фоизи президентга уч ёки тўрт марта қайта сайланиш ҳуқуқи берилиши тарафдори. 43 фоизи эса бунга қарши. Яна 11 фоиз одам аниқ жавоб беришга қийналишди, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги.

Референдум куни белгиланди


Эстония парламенти шу йил 14 сентябрь куни Европа Иттифоқи тарихига кириш тўғрисида референдум ўтказишга қарор қилди. Эстония келгуси йилда Европа Иттифоқи тарихига кириши қўллаётган ўнта давлатдан биридир. Ўтган йил ноябрь ойида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, аҳолининг 57 фоизи ЕИ тарихига киришни маъқулаган. Октябр ойида эса бу кўрсаткич 52 фоизни ташкил этган эди, дея ўз ахборотини яқунлайди Reuters агентлиги.

Ит ва мушуклар учун

Исроиллик ветеринар Рафи Кишон Ироқ томонидан уюштирилиши мумкин бўлган кимёвий ва бактериологик ҳужумдан муҳофазаланиш мақсадида ит ва мушуклар учун турли ўлчамдаги мақсус противогазлар яратди. Бу противогазлар яқин кунларда Исроил дўконларида сотила бошлайди. Уларнинг нархи ўлчамига қараб 12 дан 18 долларгача бўлади. Кишоннинг айтишича, дейлиди Reuters агентлиги хабарига, противогазлар мақсус материалдан тайёрланган бўлиб, узоқ муддат тақиқ юришга мўлжалланмаган, балки жонивор ҳавфсиз жойга олиб борилгунча тақиши мумкин.

Қорни кўриб...

Германиянинг Гильдешайм шаҳрида яқиндан бери яшаётган гамбиялик (Африка) Батута эртраб туриб уйи деразасидан машинасини кўргач, эси чиқаёзди. Машинаси оплоқ бўлиб қолган эди. Шунинг учун у дарҳол полиция чақирди. Полиция келгач, вазият хавфли эмаслиги аён бўлди. Reuters ахборот агентлигининг хабарига ёзилишича, тунда ёққан қор ҳамма ёқни оқартирган. Жумладан, Батутанинг автомобилини ҳам қор қоплаган. Батута бунини кўриб, машинасини безорилар оқ ранга бўяб қўйган, деб ўйлаб полиция чақирди.



ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!
РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВОЙИ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2003 йил 5,7 ва 10 февраль кунлари Навоий шаҳрида соат 15.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилоти худудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Навоий шаҳар, «Умид» қўрғонидан уй-жой қуриш учун 10 дон, ҳар бири 600 кв.м. дан ер майдонлари.
2. Қизилтепа тумани, Озодлик кўчасидан уй-жой қуриш учун 3 дон, ҳар бири 600 кв.м.дан ер майдонлари.
3. Қўчмас мулк ва сармоялар агентлигининг Навоий вилоти бўлимига қарашли 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Тико» русумли, давлат рақами 21 АА 518 автомашинаси.
4. Учқудуқ туман ва шаҳар маданият бўлимига қарашли 1988 йилда ишлаб чиқарилган «УАЗ-3303-01» русумли, давлат рақами 25-80 НВА автомашинаси.
5. Қармана тумани, Н. Туробий номи 25-мақсус мактаб-интернатига қарашли 1972 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-5201» русумли, давлат рақами 43-59 НВМ автомашинаси.

Бошлангич баҳоси — 163000 сўм.
6. Учқудуқ «Северное» савдо ишлаб чиқариш қорхонасига қарашли № 042001305 рақамли кўчма савдо расгаси.

Бошлангич баҳоси — 521480 сўм.
7. Навоий вилоти бўжона бошқармаси томонидан савдога қўйилган «ААЗДА» русумли автомашина.

Бошлангич баҳоси — 240000 сўм.
Савдоларда қатнашиш учун харидорлар объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдорда гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошлангичдан 1 соат олдин тўхтатилади.
Ер майдонларига харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан 3 кун олдин тўхтатилади.
Ушбу объектларга қизиқини бор ҳориқлик сармоядорлар, ишбилармон қуртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилоти филиалига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Навоий шаҳри, П. Очиллов кўчаси, 24-уй. Телефонлар: (436) 224-15-61, 224-64-31.

КЎШИГИНГИЗНИ ТУШУНТИРИБ БЕРИНГ...

Баъзи кўшиқчиларнинг саноқли кўшиқлари бор. Уларнинг айримларини қанча эшитсанг ҳам жонингга тегмайди, қайтанга руҳий қувват оласан. Аслида тезроқ янги «альбом» чиқариш илинжида паллапартиш, бемаза кўшиқлар тайёрлагандан кўра, ахён-ахён бўлса-да, битта чиройли кўшиқ айтганинг маъқул эмасми?!

Бир куни ўғлим эринмасдан санаб чиқибди: унга яқин хонанданинг «Қизғонаман» деб номланган кўшиғи бор экан. «Кетаман» деган кўшиқлар ҳам болалаб кетди. Кўшиқчи аёлларни кўйиб туройлик, эркаклар орасида «Жоним, сени олиб кетаман», «Ёнимда қол», «Кетма», «Қумсайман» мазмунидagi кўшиқлар қуйлаб, тез орада машҳур бўлиб кетаётганлари ҳам анчагина. Улар ҳадеб битта сўзга, ясама туйғуга ёпишиб олишган. Бунинг сабаби эса яна ўша: маънавий-маърифий истеҳком йўқ. Одатда кўп ўқиган киши, кўп нарсани билади. Ҳозирги кўшиқчиларнинг баъзилари китоб ўқишдан, ҳақиқий ижоддан тўхтаб қолиш-

ган, десак муболага бўлмас. Шунинг учун ҳам бир-бирига ўхшаш кўшиқлар кўпайиб ке-

чиқади. Турк кўшиқчиси Иброҳим Тотлиқаснинг бир кўшиғи мусиқасига бошқа сўз қўйиб

Кўшиқ — маънавиятнинг бир бўлаги

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА УНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС, ШУ БОИС УНГА БЕФАРҚ ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

таётган бўлса, не ажаб. Авазбек Олимовни биладиганлар анча. У гоҳ Каримбой Раҳмоновнинг, гоҳ Бобомурод Ҳамдамов кўшиқларини айтиб

«Севгилим» деб айтапти. Анвар Санаев ҳам «Ер-ёр», «Севгилим», «Азизим»га ёпишиб олган. Мусиқалари ҳам бир-бирига ўхшаб кетади.

Ҳақиқий кўшиқчи ким? Ҳақиқий санъаткор кўшиқни жонли ижро эта билади ҳам. У ижод билан мунтазам, изчил, жиддий шуғулланади. Шеърни теран ҳис этади. Мусиқий диди баланд бўлади, ўз овозини тарбиялайди, асрайди.

Кўшиқ учун энг асосийси, унинг бадиий савияси. Бу борада «давра кўрган», етук хонандалар энди етишиб келаятган хаваскор «юлдуз»ларга ибрат бўлмоғи жоиз. Таассуфки, баъзан бунинг тескарсини кўраимиз. Чунончи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Равшан Комилов билан Озода Нурсаидова ижро этган дуетда шундай сатрлар бор:

Келиннинг билмаса-да, Аканг мени яхши билар. Тунда аканг пойлаб келган Қизча менинг кўшим бўлар... (?)

Бу кўшиқчилар истеъдодига шубҳа йўқ. Ҳар иккаласи аллақачон ўз йўлини топиб олган.

Аммо айнан улар мавзу танлашда эҳтиёт бўлишлари керак эмасми?

Ёки Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Собиржон Мўминовнинг «Кувё бўламан» кўшиғидаги сатрларга эътибор беринг:

Сой бўйида ака гап йўқ. Ҳамиша хўре кўк чой (?)

(Д.Ж. PILIGRIM гуруҳи) Энг қизиғи, бу кўшиқ «Тарона — 2002» йилнинг энг яхши кўшиғи сифатида эътироф этилди.

Ёки: **Олэ, олэ румба, Доирада дум, думба. Дарди дармонларимиз Қолсин кечаги кунда (?)** (Толиб Қулиев)

Бу кўшиқ эмас, алаҳсираш ёки алмойи-алойи туш кўришга ўхшаган нарса. Бошқача изох топиш қийин.

Мамлакатнинг қайси бир бурчагида яшайдиган истеъдоднинг юзага чиқишидан кўра бундайларнинг ошиғи олчи. Хомий бор, пул бор чиқаверади-да. Бироқ бундай «кўшиқ»лар болаларимизнинг фикратига, миллий руҳига қандай таъсир қилади? Яқин ва сал узоқроқ тарихимиздан қолган мусиқий меросни олиб қарайлик. Қандай гўзал, беназир санъат асарлари қолган. Ҳақиқий санъат ихлосмандларига буларнинг қадри баланд. Бироқ бугунги кундан эртага нима қолади? Ана шу масала муҳим.

Миллий кўшиқчилик, хусусан, миллий эстрада, мусиқа санъати миллат маънавиятининг ажралмас бўлаги экан, бу со-

ҳага талабни сусайтириш асло мумкин эмас. Кўшиқ кўшиқдай бўлсин. У ўзида миллат урф-одатлари, қадриятлари, ёруғ хотиралари ва менталитетини акс эттирмоғи лозим. Шу ўринда эътироф этмоқ жоиз. Ўзбекистон халқ шоири, раҳматли Мухаммад Юсуфнинг бу борадаги хизматлари катта эди... «Халқим», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» сингари кўшиқлар оммавий тарзда ижро этиляпти. Буларни эшитганда кишини ҳаяжон чулғайди, кўзингизда ёш қалқийди. Ҳақиқий кўшиқ шундай бўлади. Самимий ёзилган шеър — самимий кўшиқ бўла олади. Зотан, ҳозир Ватан ҳақида савз кўшиқлар ҳам аймиляпти. Бироқ, кўшиқ учун фақат яхши шеърнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун, аввало, шеърбол мусиқа топилиши, аниқроғи, басталаниши, кейин эса тайёр асар ўзига хос овозда ижро этилиши янглик эмас.

Кўшиқ ҳам мафкура. Ундаги ғоялар юксак инсоний фазилатларга йўғрилган, умумбашарий одоб-ахлоқ мезонларига асосланган бўлмоғи лозим, деб ҳисоблаймиз.

Илҳом ҚАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мақсус мухбири

Асал экан дудоқларингиз, Ҳушрўйгинам, сизни оламан, Онангизга куёв бўламан!

Ўйлаб кўрайлик, «**Онангизга куёв бўламан!**», дегани «...**Сизни оламан!**» деган туншунчани тўла англададими ўзи?

Катталар намуна бўлиш ўрнига шу тарзда қуйлашгач, ёшлардан нима кутиш мумкин? Чунончи, ёш эстрада хонандалари Даврон Эргашев билан Шаҳноз биргаликда қуйидагича дует ижро этишган:

Сени кўрсам, қанийди, Бир бор кўрсам, қанийди. Ҳеч бўлмаса, чанг бўлиб Сенда қолсам, қанийди...

Юқоридаги икки сатр майли, энди... Аммо кейинги «**Ҳеч бўлмаса чанг бўлиб сенда қолсам қанийди**» дегани... ке-чирасизу, дилингнизни хира қилиши тайин. Ошиқнинг ўз маъшукасига қиладиган такаллуфи бундай бўлмади-да энди! Нахотки, чангдан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас. Бунинг ўрнига «**Емгир бўлиб сочларингизга сингиб кетайми ёки «тупроқ бўлиб изларингни ўнгим келади**»ми...

Муҳаббатни шу тарзда изҳор қилмоқ керакмикан?... Қолаверса, хонанда ўзи нимани қўйлаётганини идрок қилмоғи жоиз эмасми?

ҚАРОР ВА ИЖРО

Спорт — тарбиялайди, тоблайди, оламга танитади

— ДЕЙДИ БУХОРО ВИЛОЯТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚЎМИТАСИ РАИСИ РАҲИМ ХАЙДАРЗОДА

Дарҳақиқат, шундай. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий қамолоти йўлида хизмат қилувчи омил — спортни ривожлантириш борасида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида катта ишлар амалга оширилмоқда. Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлик орасида биринчилардан бўлиб «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Бундан ташқари ёшлар ҳақидаги бекиб қолган ҳужжатларнинг қисмида Президентимизнинг ақлида эълон қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг айтиши шу масала юзасидан қабул қилган қарори ҳамнинг кўнглидаги иш бўлди. Ҳўш, ана шундай шароитда қадим Бухорода спортга бўлган эътибор қандай? XXI аср ёшларининг спортга муносабати қандай?

— Очиғини айтишда бўлсам, — дейди Раҳим ака, — «Универсиада — 2002» шарафати ила вилоятимиздаги аксарият спорт иншоотлари қайта таъмирланди. Биргина Бухорои шарифининг ўзидаги «Олимпия», «Семург», «Нафис», «Ситора», «Ёшлик», «Хумо» спорт мажмуалари замон талабларига тўла жавоб берадиган даражада таъмирдан чиқарилиб, барча жиҳозлар муҳайё этилди. 22 минг томошбин ўрнига эга бўлган ва бугунги кунда Марказий Осиёда ягона деб тан олинган «Бухоро» спорт мажмуаси йилнинг энг катта ютуғидир. Бу ерда айни пайтда спортнинг 16 тури бўйича секциялар ишлаб турибди. Бугун Бухоро халқаро мусобақалар ўтказиладиган гўшага айланди. Ёшларнинг катта спорт байрами — «Универсиада — 2002»дан ҳозиргача бўлиб ўтган беллашуларда янги номлар кашф этилди. Хусусан, «Семург»да ўтказилган «Сув париси» синхрон сузиш мусобақалари, «Нафис»да бўлиб ўтган бадиий гимнастика бўйича беллашуларда ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этиб, овоз урғу фарзандларига бўлган гўямжўрликка амалий ишлари билан жавоб бердилар.

— Айтиш-чи, вилоятда болалар спортини қандай аҳолида?

— Бугунги ёшларга ҳаммаинг ҳаваси келади. Негаки, уларга ўқиш учун ҳам, хунарганиш учун ҳам, спортнинг ўзи севган тури билан шуғулланиш учун ҳам барча шароит, ҳамма имконият бор. Биргина вилоятимиз мисолида фикр-юртадиган бўлса, ҳозир 537 та умумтаълим мактаби, 552 та мактабгача болалар муассасаларида тарбияланаётган 357190 нафар фарзандларимиз 2463 та спорт майдонларидан фойдаланишмоқда. 28 та болалар ва ўсимирлар спорт мактаби, 9 та иختисослаштирилган мактабда 646 нафар мураббий 21691 тарбияланувчига у ёки бу спорт тури бўйича тахсил бермоқда. Натижа қандай, дейишингиз табиий, албатта. 16 ёшли болалар орасидан бир нафар халқаро миқёсдаги спорт устаси етишиб чиқди. 9 нафар спорт устаси, 88 нафар спорт усталлигига номзод, 285 нафар биринчи, 4987 нафар оммавий разрядли спортчилар тайёрланди. Бухоролик ўсимирлар икки йилдан буён «Футболмики келажаги» республика турнирининг финалида иштирок этиб келмоқдалар. Тврда миллий кураш бўйича ўсимирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида беш нафар курашчимиз жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритди. «Хумо» спорт мажмуасида оилалар ўртасида теннис турнири ўтказилиб келинапти.

Аммо, бизни қўйнайдиган муаммолар ҳам кам эмас. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори олдимида жуда катта вазифаларни қўяди. Шундан келиб чиқиб,

фоолиятимизни баҳолайдиган бўлсақ, қониқарли ҳосил қилиш қийин. Туман марказларидан бошқа олис қишлоқларда ҳали болалар спортга эътибор айтириш «даражада яши эмас. Гап юрт тақдирини, Ватан равнақи ҳақида кетаркан, ёшлар масаласини четга суриб бўлмайди. Кўпчилик раҳбарлар болалар спортини футбол, волейболдан иборат деб ўйлашади. Мактаблардаги соҳа ўқитувчиларнинг айримлари фаолиятида юзакилик мавжуд. Когон, Бухоро, Жондор, Вобкент, Олот туманларида шундай аҳоли кўзга ташланади.

— Фикрингизга қўшилам. Кўпгина ширкат хўжаликларидидаги ҳашаматли клублар хувиллаб ётибди, ўйингоҳлар эса қаровсиз. Қишда болалар қаерда шуғулланиши билишмайди. Ҳўш, нима қилиш керак?

— Бу оғриқли нуқталаримиз саналади. Президентимиз Фармони ва ҳукуматимиз қароридан сўнг ана шу кўсурлардан холи бўлиш мақсадида вилоятда болалар спортини ривожлантириш мақсадида 2005 йилгача 79 та спорт иншоотини қуриш мўлжалланаяпти. Талабга жавоб бермайдиган 494 та спорт иншооти таъмирланади. Вобкент, Жондор, Ромитан туманларида усти ёпиқ спорт мажмуалари, сузиш ҳавзаси, теннис корти, футбол, волейбол майдонлари, енгил атлетика, қўл тўпи майдонлари қурилади. Буларга эришмай туриб, соғлом авлоднинг қамолатга етакчи бўлиши, зеро, давлатни жаҳонга спортчилик танитадиган, миллий оламга намойиш этадиган восита йўқ. Шу боис, спорт — тарбиялайди, тоблайди, оламга танитади, деган оддий ҳақиқатни ҳамма тушуниб етгандагина ёшлар орасида ёт таъсирларга берилиш, жиноятчилик пайи киркилади.

Сўхбатдош: Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Катталарга ардоқли, кичикларга суюқли

Ҳаёт турфа ҳодиса-воқеаларга, ажойиботларга тўла. Қани айтиш-чи, сиз ҳаётда саксон ёшга тўлган суюқли кувенини табриқлаш, унга зарбоф тўн кийдириш учун фарзанди — қизиникига борган уч кам юз ёшли қайнота ҳақида ҳеч эшитганимиз? Гўзал пойтахтимизда узоқ умр кўриб, ҳаёт нашидасини сураётган бундай табаррук отахон — замондошларимиз бор.

Дилкаш инсон, кадрдон биродаримиз Бахтиёр ақанинг файзли ховлисидан ўртасидан шарқираб оқётган ариқ устига ўратилган сўрида икки табаррук ёшдаги инсон — Фуломқодир ота билан Пўлат ака қизгин сўхбат қуриб ўтиришибди. Қайнота — Фуломқодир ота билан Пўлат ака қизгин сўхбат қуриб ўтиришибди. Қайнота — Фуломқодир ота билан Пўлат ака қизгин сўхбат қуриб ўтиришибди. Қайнота — Фуломқодир ота билан Пўлат ака қизгин сўхбат қуриб ўтиришибди.

Ўзи техника соҳасининг профессори, хизмат кўрсатган фан арбоби бўлса-да, ёшлигидан шеърятга ишқи тушган Фуломқодир ота Нор-хўжаев кўёвининг юқоридидаги қўшиқлар сирасига кирди. Чиндан ҳам Пўлат ака катта истеъдод соҳиби, серқирра ижодкор. Унинг 60 йиллик ижодининг нури саҳифаларини арақласангиз, ушбу фикримизнинг нақадар тўғри эканлигига иймон келтирасиз. Дастлабки шеърини тўпламини — «Сайранг, қўшлар» номи билан 1949 йилда чоп эттирган севиқли шоиримизнинг шундан кейин кетма-кет ўнлаб тўпламлари босилиб чиқди.

— Раҳматли қайнона ойингиз — Мавлуда сиз ёзган қўшиқларни жуда ёқтирар, тандирга ўт қалаб нон ёпаётганида, бошқа уй юмушларини бажарётган пайтида «Эй, муҳаббат», «Индамади» деган шеърларингизни завқ билан ўзгача хиргойи қиларди, — дедилар оҳиста жилмайиб...

Пўлат ака чиндан ҳам болалар адабиётининг шеърят, драматургия, дostonчилик, қўшиқчилик сингари жанрларида салмоқли ижод қилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири деган юксак унвонларга мушарраф бўлган, кўксини «Эл-юрт хўрмати» ордени беэаб турган ардоқли шоиримиз Пўлат Мўмин ўзларининг табаррук ёшларини кексаларга хос доғишмандлик, болаларга хос қувноқлик билан нишонламоқдалар.

Пўлат Мўмин ҳақидаги дил сўзларимизни уч кам юз ёшга қираётган Фуломқодир ота табаррук зотлардан бежиз бошламадик. Улар гарчи ҳаётда қайнота-куёв бўлсалар-да, ҳар иккалалари ҳам эл-юрт орасида ўз ишлари, фидойи меҳнатлари билан юксак ҳурмат ва эъзозга сазовор бўлган, буюқ Истиклолни кўрганликларидан бошлари осмонга етган ажойиб замондошларимиздир.

Хозирда биз Пўлат ақанинг эл орасида машҳур бўлиб кетган баъзи қўшиқлари ҳақида сўзладик. Унинг жажжи болақайларимизга ёзган қўшиқлари Ўзбекистон радиосининг олтин фондида сақланмоқда. Солиҳ ЁҚУБОВ



BOSH MUHARRIR Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

- Abdulla O'RIPOV, Abdulhafiz JALOLOV, Azimjon AYUPOV, Aziz NOSIROV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Norbobol SHAKAROV, Alimqul SULTONOV, Andrey ORLOV, Nomoz SA'DULLAYEV, Rahima HAKIMOVA, To'lepbergen QAIPIBERGENOV, Farmon OMONOV

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIY PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR: Xiyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifot, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot

Parlament va huquq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik

Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar

VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Toshkentda, Urganchda, Farg'onada, Termizda

MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Naybatchi Ilhom KAROMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Shara» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Gazeta «O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot O'rtasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

15155 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00, Topshirildi — 22.00

1 2 3 4 5 6

Сержило тафаккур дурдоналаридан*

ИОГАНН ФРИДРИХ ШИЛЛЕР — НЕМИС ШОИРИ, ДРАМАТУРГИ ВА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ДАВИРИ САЪБАТИ НАЗАРИЁТЧИСИ. 1759-1805 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

- Қалби очик инсоннинг ҳечриси ҳам очикдир.
● Ота-оналар фарзандларига ўзлари сингдирган нуқсонларини ҳаммасидан ҳам камроқ кечирадилар.
● Болаларнинг ўйинларида, кўпинча, чуқур маъно бор.
● Овоزلарнинг кўплиги адолатнинг мезони бўла олмайдилар.
● Гўзаллик ҳам — фазилат, гўзал аёлда камчиликларнинг бўлиши мумкин эмас.
● Яхши актёрлар учун ёмон роллер бўлмайди.
● Дунёни севги-муҳаббат ва очлик бошқаради.
● Улуғворлик чўққисида дўстнинг қулфатда нима эканлигини унутма.
● Ор-номус ҳаётдан қимматлироқ.
● Кимнинг қалби тоза бўлса, у ақлнинг ўзи устидан қўлиб қўйилган тан олади.
● Илим-фан бировларга фалақдаги маъбудга ўхшаса, бошқалар учун — уларга мой берадиган семиз сигирга ўхшайди.
● Бениҳоя кўрқувдан, даҳшатли яқун яхшироқ.
● Агар менинг эътиқодим, юрагимнинг уришига қараб, ўзгариб турадиган бўлса, унда менинг ҳолимга вой.
● Қизикчи ўзининг ҳазил-мутўйибасидан қулганда, бу ўзининг баҳосини йўқотади.
● Сўз ҳаммаша ишдан ботирроқ.
● Мақсадларининг ўсишига қараб, одам ўсиб боради.
● Одам нимани қилиши лозим бўлса, у бунинг удрасидан чиқа олади.
● Фалсафий таълимотни танлаш сенинг ўзининг қандай одам эканлигин билан белгиланади, негаки, фалсафий таълимот, хоҳишига қараб, олса ёки олмаса бўладиган жонсиз анжон эмас; у қалбга эга кишининг жони билан тирилтирилади.
● Бутун фалсафа фақат қўйилган саволларга ва, хусусан: умуман, одамнинг мақсад-муддаоси нима ва у нунга қандай воситалар билан ҳаммасидан ишончлироқ эриша олиши мумкин? — деган энг охириги, олий саволга жавоб беришдан ўзга ҳеч қандай мақсадни кўзда тутмайди.
● Фалсафанинг ўзи нима эканлигини билладиган олтига одамни ҳам топа билиш — амри маҳол.
● Ягона риёзиётгагина ўхшаб, яқкаю-ягона фалсафа мавжуд.
● Инсон жамиятда яшаш учун яратилган; у жамиятда яшамогни лозим: у тўла яқунланмаган инсон ва, агар ёлғизликда яшаса, ўзи ўзига зид бўлади.
● Умуман жамиятни унинг, тажриба билан боглик, давлат аталмиш, тури билан қоршигаир-маслик керак. Давлатда яшаш инсоннинг мутлақ мақсадларига тааллуқли эмас.
● Муайян даврнинг давлат тузуми унинг аввалги тақдирларининг ҳосиласидир.
● Давлат ва, қуруқ воситалар бўлиши, барча маҳкамалар ўзларининг барҳам топишлари томон интиладилар: ҳар қандай ҳукуматнинг мақсади — ҳукуматни ортиқча нарсаси қилиб қўйиш.
● Ҳар қандай воқелик таъсирчандир, ва ҳар қандай таъсирчанлик воқеликдир.
● Биз биллаётганимиз учун ҳаракат қилмаймиз, балки, ҳаракат қилишга яратилганимиз учун биламиз.
● Одамда турли-туман иштиёқ ва қобилият куртаклари бор, ва ҳар бир кишининг бурчи — ўз истеъдод нишонларини баҳоли қудрат ривожлантириш.
● Инсон зотига тааллуқли барча шахслар бир-бирларидан фарқланадилар; фақат бир нарсда улар тамомила ўхшашдилар, бу уларнинг пировад мақсади — комиллик.
● Бошқаларнинг бизга таъсирдан эркин фойдаланиш орқали ўзимизни ва бошқаларни, уларга, эркин зотлар сифатида, қайта таъсир этиш йўли билан, комиллаштириш — мана бизнинг жамиятдаги бурчимиз.
● Тарихни ўргангандан кўра, мен нўхталарни санашни маъқулроқ кўрган бўлардим.
● Ҳаракат қилмоқ! Ҳаракат қилмоқ! Биз унинг учун яшашимиз керак нарсаси мана шундир.

(Давоми келгуси сонда.)
Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси
*Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрдаги сонидан бошлаб берилмоқда.

ЭЗГУ ТИЛАК

Янги йил бошланди — кўҳна ҳаётда Бошланди янги руҳ, янги тантана. Эски армонларни қолдириб ортида, Янги орзуларга боғландик яна.

Кимдир бу лаҳзалар ошди бир дован, Ўсди қадим тарих тагин бир ёшга. Мушфиқ сайёрамиз чарх уриб равои, Кетиб борар бағрин тутиб қуёшга.

Навқирон умрнинг дилбар тимсоли — Қара, хушқад арча нур тарар жоңга. Бу пайт худди унга боққан мисоли Жаҳон кўз тиклар шур Ўзбекистонга.

Одатда ҳар янги кун-ку мўъжиза, Бугун бир йил эса тиласим, жумбоқ, сир. Янги йилдан кимдир рўшнолик кутса, Беҳисоб эҳсонлар кутади кимдир.

Дунёга келдилар, беғумон, бу кез Ўлдаклар — мангулик элчиларидек. Улар қор остида майсалар тизгиз, Оламнинг умиди билмас поён, чек.

Билмур коинотдан берди акс-садо Соатларнинг зағи, қадаҳ жаранги. Кезар замин бўйлаб ажиб бир сафо, Нафақат йил янги — орзулар янги! Мирпўлат МИРЗО

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 102-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ
Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги унинг ютуқсизга айланган. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 23 январдаги 105 янги йил тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

1 тур — бир ютуқда ВИДЕОМАГНИТОФОН
2 тур — ҳар бир ютуқда ТЕЛЕВИЗОР
3 тур — MERCEDES автомобил
4 тур — MERCEDES автомобил
Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти «Лаура» ХФ сида берилади. Манзил: Ташкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўлажал: «Украинка» дўқон. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60. Пул ютуқлари — Мўрабод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда «Лаура» 18.30 да ЎзТВнинг 1-канал орқали намойиш этилади.

Йўлдош Охунбобов номидаги Республика тиббиёт билим юрти томонидан 1997 йилда Мирқаримова Дурдона Йўлдошевна номига берилган 228219 рақамли диплом йўқолганиги тўғрисида БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти Хоразм вилояти, Богот тумани, «Богот» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси Маширпн КЎВОҚОВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ақборот хисоблаш маркази маъмурияти ва меҳнат жамоаси Марказ директори Т.Балтабаевага опаси Комилахон ЗУЛУФОВАНИНГ вафот этганиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этди ҳамда оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.